

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАРВИШОВА ГУЛЧЕҲРА КЕНЖАБАЕВНА

**ШАРЛОТТА БРОНТЕНИНГ БАДИИЙ ОЛАМИ ПОЭТИКАСИ:
ТАРЖИМА ВА ТАЛҚИН**

**10.00.06 – Қиёсий-адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Дарвишова Гулчехра Кенжабаевна

Шарлотта Бронтенинг бадиий олами поэтикаси:

таржима ва талқин 3

Дарвишова Гулчехра Кенжабаевна

Поэтика художественного мира Шарлотты Бронте:

перевод и интерпретация 23

Gulchekhra Kenjabayevna Darvishova

Charlotte Bronte's Artistic World Poetics:

Translation and Interpretation 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАРВИШОВА ГУЛЧЕҲРА КЕНЖАБАЕВНА

**ШАРЛОТТА БРОНТЕНИНГ БАДИИЙ ОЛАМИ ПОЭТИКАСИ:
ТАРЖИМА ВА ТАЛҚИН**

**10.00.06 – Қиёсий-адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil730 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халлиева Гулноз Искандаровна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Равияжон
филология фанлари доктори

Адилова Шахноза Рахимовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91; email:uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ да _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. Х. Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х. Б. Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Ж. А. Якубов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида викториан даври адабиётининг эстетик хусусиятлари – реализм оқими руҳида яратилган асарларнинг бадиий-эстетик қиммати, аёл ёзувчилар ва улар яратган аёл персонажларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, руҳий олами, ижтимоий мақомининг ўша даврда яратилган бадиий асарларда намоён бўлиши каби назарий поэтик тамойиллар кўплаб илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади. Феминистик адабиёт ва танқидчиликнинг илмий-назарий мезонлари асосида викториан даврига мансуб адабий анъаналар, аёл ёзувчиларнинг асарларида илгари сурилган бадиий, фалсафий, эстетик ғоялар, уларнинг образ яратиш маҳорати, асарлари композицияси ва сюжети, ижодкор услуби, жанрларнинг янгиланишини таҳлил қилиш орқали ўша давр ижтимоий муаммоларини, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни бадиий идрок этиш, аёл сўз санъаткорларининг жаҳон бадиий тафаккурига қўшган ҳиссасини, викториан даврида мавжуд адабий йўналиш ва мактабларнинг ўзига хослигини белгилаш замонавий адабиётшуносликнинг долзарб вазифалари сирасига киради. Аёл ёзувчилар шахсияти ва услубига оид илмий-назарий қарашлар, уларга муносабат, тарихий-адабий жараённинг тараққиёт қонуниятлари ва ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги масалаларини тадқиқ этиш ўзига хос ёндашувни тақозо этади.

Дунё илм-фанининг тез суръатлардаги ривожини адабий анъаналар интеграцияси, янги жанр ва услублар такомиллашувини юзага келтирди, турли тилларда яратилган бадииятнинг нодир намуналарини таржима қилиш эҳтиёжини оширди, бу эса таржимашунослик фанининг юзага келишига замин ҳозирлади. Халқаро таржимонлар федерацияси (Federation internationale des traducteurs FIT) асосчиси Пьер-Франсуа Кайе «XX аср – таржима асри», дея эътироф этган. Таржима назариясига оид маълумотларни таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, бадиий таржима мактабини шакллантириш, таржима муаммоларига ечим излаш, турли миллий адабиётларнинг тил тизимлари ва лингвостилистик жиҳатларига боғлиқ янги ёндашувлар асосида ёритиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мустақиллик йиллари ўзбек таржимашунослигида дунё таржима илми концепциялари, устувор йўналишлари ва замонавий ёндашувларни фаол ўзлаштириш ва амалиётга жорийлаш тамойиллари шаклланди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар асосида «Ўзбек миллий мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарини жаҳон тилларига сифатли ўтиришга доир таржимонлик мактабларини ривожлантириш, хорижий тилларга таржима қилинган ўзбек ижодкорлари асарларини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини восита ва оригинал тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш тизимини кенг

кўллаб-қувватлаш»¹ борасида кенг кўламли вазифалар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқот шу йўналишдаги мавжуд муаммоларнинг назарий жиҳатларини аниқлаштиришда хизмат қилиши билан долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида викториан даври адабиёти, реалистик принциплар, викториан даври адибалари, феминизм ва феминистик адабиёт тараққиёти, поэтиканинг муайян давр ижодкорлари ёки алоҳида ёзувчи ижоди мисолида индивидуаллик ва қиёсий-типологияк умумлашма таҳлили каби илмий-назарий муаммолар ғарб адабиётшунослари Г. Мур, А. Разин, Ф.Брентано, Р. Пауелл, Ж. Дефо, К. Мессенжер², рус адабиётшунослари М.Н. Рябков, С.В. Сироштан, Н.В. Шамина, Е. Митрофанова, М.П. Тугушева³ ва ўзбек адабиётшунослари С. Мансур, О. Наумова, Н.В. Осипова, Ҳ. Мухаммедова, Н.А. Махмудовалар⁴ томонидан тадқиқ қилинган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони/<https://lex.uz/uz/docs/5841063>

² Moore G. Twentieth-century Re-workings of the Victorian Novel [Электрон ресурс] /G. Moore // Literature compass. 2008. Volume 5. Issue 1. – P. 134–144. (134) www.blackwell-compass.com/subject/literature/

³ Сироштан С. В. Романтические традиции в американской лирике 1850-80-х годов: Эмили Дикинсон и Эмили Бронте: Дисс. ...канд. филол. наук. – СПб., 2004; Шамина Н. В. Женская проблематика в викторианском романе 1840-1870-х годов: Джейн Остен, Шарлотта и Эмили Бронте, Джорж Элиот: Дисс. ... канд. филол. наук. – Саранск, 2005; Митрофанова Е. Роковая тайна семьи Бронте. – М., 2006; Тугушева М. П. Шарлотта Бронте очерк жизни и творчества. – М., 1982; Рябков М. Н. Роман Энн Бронте «Незнакомка из Уайлдфелл-Холла» как женский текст. Дисс. ...канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2004.

⁴ Махмудова Н.А. Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанри типологияси: Филол. фан.фалс. д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 62 б.

Австралиялик тадқиқотчи Г. Мур ҳар бир замонавий инглиз, шунингдек, собиқ инглиз мустамлакаларида яшовчилар Викториа даври мероси учун маъсулдир, деб таъкидлайди. Адабиётшунослар Викториа даври адабиёти замонавий инглиз насрида тадрижий тараққиётга эгаллигини таъкидлашади. Инглиз ёзувчилари П. Акройд, Д. Лож, А.С. Байетт, Г. Свифт, Д. Барнснинг⁵ асарларида инглиз адабиёти ҳамда Викториа даври романчилиги анъаналарининг уйғунлиги ҳамда дунё романий тафаккурига интеграциялашуви кузатилади. А. Байеттнинг «Фаришталар ва ҳашаротлар» асарида Викториа даври адабиётига хос услубий, композицион хусусиятлар ҳамда ғоявий мазмун ҳамоҳанглиги намоён бўлган⁶. Д. Лоджанинг «Эзгу амал» асарида Викториа даври воқеликлари ва бу давр анъаналари сингдириб юборилган⁷.

Шарлотта Бронте асарларининг бадиий ўзига хослиги борасида адабиётшунослар кенг кўламли тадқиқотлар олиб борган бўлса-да, адиба асарлари таржималарининг қиёсий-чоғиштирма тадқиқи амалга оширилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Таржимонлик факультети Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси режасининг «Таржима муаммолари» мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шарлотта Бронте романлари поэтикасини бадиийлик мезонлари асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарлотта Бронте романлари мисолида Викториа даври анъаналарини, ғоявий йўналишларини асослаш, адиба ижодининг ўзига хослиги ва таржималарда акс этишини тадқиқ қилиш;

ёзувчи маҳоратини инсонпарварлик, ҳаётий ҳақиқатга содиқлик, чуқур мушоҳада, муаллиф ғоясининг мантикийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги каби бадиийлик мезонлари асосида очиб бериш;

⁵ Акройд П. Чаттертон / Пер. с англ. Т. Азаркович. – М.: Аграф, 2000. – 400 с.; Лодж Д. Академический обмен: Повесть о двух кампусах / Д. Лодж; пер. с англ. и послесл. О. Макаровой. – М.: Независимая газета, 2000. – 307 с., Лодж Д. Мир тесен: академический роман / Д. Лодж; пер. с англ. О. Макаровой. – М.: Издательство Независимая газета, 2004. – 432 с.; Byatt A.S. Possession: A Romance. London: Vintage, 1990. – 511 p., Byatt, A.S. A Whistling Woman / A.S. Byatt. L., 2003. - 426 p., Byatt, A.S. Angels and Insects / A.S. Byatt. – L., 1995. – 293 p., Byatt, A.S. On Histories and Stories/ A.S. Byatt. L., 2001. - 196 p., Byatt, A.S. Babel Tower / A.S. Byatt. L., 2003. - 618 p.; Swift, G. Waterland / G.Swift. – L.: Heinemann, 1983. – Свифт, Гр. Земля воды / Гр.Свифт; [пер. с англ. В.Михайлина]. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – 414 с., Swift, Last Orders / G.Swift. –L.: Picador, 1996. – Свифт,Гр. Последние распоряжения / Гр.Свифт; [пер. с англ. В.Бабкова]. – М.: Издательство Независимая Газета, 2000. – 319 с.; Барнс, Дж. Попугай Флобера. Англия, Англия. Глядя на солнце /Дж. Барнс. -пер.с англ. М., 2004. – 700 с., Barnes, J. Before She Met Me / J.Barnes. – L.: Jonathan Cape, 1982. – Барнс, Дж. До того, как она встретила меня / Дж.Барнс; [пер. с англ. И. Гуровой]. – М.: АСТ: Транзиткнига, 2005. – 253 с.; Barnes, J. Letters from London / J.Barnes. – L.: Vintage Books, 1995. – Барнс,Дж. Письма из Лондона / Дж.Барнс; [пер. с англ. Л.Данилкина]. – М.: Хранитель, 2008. – 445 с.

⁶ Byatt, A.S. Choices: On the writing of Possession, Angels and Insects Electronic resource. / A.S. Byatt. Access mode: <http://www.asbyatt.com/Posses.htm>. 2.02.2007.

⁷ Lodge D. Nice Work. Penguin Books, 1989.

Шарлотта Бронте романларида ўша давр ижтимоий манзаралари, аёлнинг жамиятдаги мавқеи масаласини таҳлил ва талқин қилиш;

«Жейн Эйр» асарининг рус ва француз тилларидаги таржималарига хос хусусиятларини ёритиш ҳамда асарнинг аслиятдан таржималарини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шарлотта Бронте асарларининг аслияти ва уларнинг рус ва француз тиллардаги таржималари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Шарлотта Бронте бадиий олами, романларининг турли тиллардаги таржималари поэтик хусусиятларини тадқиқ қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, биографик ва қиёсий-чоғиштира таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шарлотта Бронте асарларининг поэтик оламини кашф этишнинг янги услублари ҳамда ёзувчининг дастлабки асарларидаги оламнинг бадиий манзараларига доир структуравий ва поэтик хусусиятларини аниқлаш орқали адиба бадиий оламининг шаклланишида оила муҳити, ижтимоий муҳит ва индивидуал омиллар устунлиги аниқланган;

Шарлотта Бронтенинг анъана ва новаторлик асосида образ яратиш маҳорати Викториа адабиёти аёл ёзувчилари шахсияти ва услубига оид илмий-назарий қарашлар, уларга муносабат, тарихий-адабий жараённинг тараққиёт қонуниятлари ва ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги масалаларини очиш орқали далилланган;

Шарлотта Бронте асарларида аёл ижтимоий мавқеи, хотин-қизлар характерлари типологияси, аёллар тақдири воситасида давр ижтимоий манзарасининг адабий-эстетик муаммолари гендер ва адабиёт назариясининг шаклий ихчамлик ва мантиқий изчиллик каби бадиий қонуниятлари асосида очиб берилган;

инглиз модерн прозасини замон ва макон категориялари контекстида тасниф қилиш орқали «Жейн Эйр» романи жаҳон адабиётшунослигида қашшоқлик ва фаровонлик, кураш ва тинчлик каби ўзаро зид тушунчаларниг тўқнашув майдонида юзага келган асар эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шарлотта Бронте асарларининг поэтик оламини кашф этишнинг янги услублари, яъни ёзувчининг дастлабки асарларидаги оламнинг бадиий манзараларига доир асосий структуравий ва поэтик хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари кенгайтирилган; инглиз модерн прозаси замон ва макон категорияларини тасниф қилишда бадиий-фалсафий ва лингвомаданий йўналишдаги илмий изланишлар заминида ёритилган.

Шарлотта Бронте асарларининг бадиий-эстетик хусусияти, сюжет қурилиши, қахрамон ички дунёсининг ёзувчи томонидан очиб берилиши, муаллиф ғоясининг мантиқийлиги, асар тилининг бой ва ранг-баранглиги ҳақида назарий маълумотлар далилланган;

адибанинг ижодий-индивидуал услуби ҳамда бадиий маҳорати хусусиятларини таҳлил этиш имкониятлари ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигидаги бадиият мезонлари асосида кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг илмий-назарий фикрларига асосланганлиги, танланган асарнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр-мулоҳазалар қиёсий-тарихий, биографик ва қиёсий-чоғиштирма таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилганлиги, адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётшуносликда юзага келган янги йўналишлар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзбек адабиётшунослигига адабий таъсирини махсус тадқиқ қилинганлигида кўринади. Инглиз адабиётида яратилган асарларнинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда улар орасидаги услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш, бадиий асар таҳлилида талқин этиш йўли ва имкониятларини белгилаш тўлақонли инглиз маданий хусусиятларини очиб беришда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи», «Жаҳон адабиёти», «Қиёсий адабиётшунослик», «Замонавий хорижий адабиёт», «Таржима назарияси», «Бадиий таржима» фанларидан ўқув қўлланмалари, дарслик, методик қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотларни олиб бориш, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажаришда, XX аср инглиз адабиёти бўйича умумий курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шарлотта Бронте романлари поэтикаси бадиийлик мезонларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

Шарлотта Бронте романларининг гуманизм, эстетик туйғуни шакллантира олиш, бадиий деталларнинг аниқлиги, сюжет қурилиши, қаҳрамон ички дунёсининг ёзувчи томонидан маҳорат билан очиб берилиши, муаллиф ғоясининг мантиқийлиги, асар тилининг бой ва ранг-баранглиги каби поэтик мезонлар асосида ёритилишига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури»нинг 35-банди доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 01-12-01-44-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиётшунослиги ва таржимашунослигида викториан адабиётининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этилишига эришилган;

ёзувчи асарлари поэтикаси, анъана ва новаторлик, образ яратиш маҳорати муаллиф томонидан амалга оширилган таржималар асосида

аниқланганлиги борасидаги назарий маълумотлардан Андижон давлат университетида 2017-2021 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион Ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 05-13-5303-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ўзбек ёзувчилари ва инглиз адибаси Шарлотта Бронте ижодидаги муштараклик ва ўзига хослик ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар билан бойитиш имкони яратилган;

Шарлотта Бронте асарларида аёл ижтимоий мавқеи муаммоси қиёсий-тарихий ва чоғиштирма методи асосида бадиий далилланганлиги, таржимашунослик танқидчилиги мезонлари асосида илк бор «Жейн Эйр» асарининг рус ва француз тилларига таржималари хусусидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ижодий тадбирларида аслият ва таржима ўртасидаги мутаносиблик ва номутаносибликни қиёсий-тахлилий ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 15 мартдаги 01-03-392-сон маълумотномаси). Натижада «Жейн Эйр» асари таржималаридаги ўхшаш ва ўзига хос хусусиятлар ҳамда ёзувчининг бадиий маҳорати таҳлили адиба асарларида шаклий ихчамлик ва мантиқий изчиллик каби назарий қонуниятларни аниқлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 5 та, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг ҳажми 133 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Шарлотта Бронте асарларининг адабиётшуносликдаги тадқиқи» номли биринчи бобида викториан даври ва унинг бадиий адабиётда акс этиш анъаналари, Шарлотта Бронте ижодининг ўрганилиши ва таржималарда акс этиши муаммоларига доир жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида олиб борилган илмий-тадқиқотлар таҳлил этилган ҳамда мазкур давр адабиёти борасида умумлашма хулосалар чиқарилган.

Викториан даври инглиз романапислигининг олтин асри саналиб, бадиий адабиёт қашшоқлик ва фаровонлик, кураш ва тинчлик каби ўзаро зид тушунчаларнинг тўқнашув майдонига айланди. Қироличанинг олти декадалик ҳукмронлиги даврида Буюк Британиянинг ўзида олтмиш мингдан ортиқ бадиий асарлар нашр этилган⁸. Бундай юқори даражада ривожланишнинг энг асосий сабаблари таълимга берилган эътибор, ўрта табақа вакилларининг шаклланиши ва ҳамёнбоп ўқув материалларининг кенг тарқалиши ҳисобланади. Саводли аҳоли сонининг ўсиши адабиётда ҳам янги йўналишларнинг шаклланишига туртки бўлди. Викториан адабиёти етти мингдан ортиқ муаллифларнинг ижоди билан характерланади. Қиролича Виктория дунёнинг биринчи саноат инқилоби, яъни шиддатли ўзгаришлар ва ривожланишлар даврида Британия тахтига ўтиради. Алоқа воситалари ва темир йўл тармоқларининг ривожланиши нашриётларнинг тараққиёти ва нашр этилган материалларнинг кенг тарқалишига олиб келди.

Викториан даври адабиётида роман жанрининг ўрни беқиёс бўлиб, уч томли, яъни трилогия романлар пайдо бўла бошлади, аммо бу турдаги китоблар ўрта ва ишчи синф вакиллари учун анча қиммат саналарди. Чарльз Диккенс, Уильям Теккерей ва Джорж Элиот романларининг қисмларга ажратилиб, сериялар шаклида нашр қилиниши барча аҳоли қатламларига ўқиш имкониятини берди. Бу турдаги серияларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – роман сюжети воқеалар оқимини энг қизиқарли жойида тўхтатиш ва кейинги сонга қизиқишни ошириш билан белгиланади. Арзимаган пулга олиш имкониятини берувчи “*penny bloods*”, *penny dreadfuls*”⁹ брошюра шаклидаги ишланмалари ҳар ҳафта китобхонлар эътиборига қизиқарли воқеаларга бой асарларни тақдим этарди.

Виктория даври адабиёти Англиядаги адабий анъаналарда сезиларли из қолдирди. Жаҳон адабиётида Виктория даври инглиз адабиётининг олтин фонди ва шоҳ асарлари яратилган давр ҳисобланади. Шу боисдан XX аср охирида инглиз ёзувчиларининг асарларида доимий равишда XIX аср адабиётига мурожаат этилиши, Виктория насрининг классик намуналарини замонавийлик нуқтаи назаридан қайта ёритилиши ҳамда янги талқинда татбиқ этилиши оммалашган.

Ч. Диккенс, У.Теккерей, опа-сингил Бронтелар, Э. Гаскелл, Дж. Элиот қийинчиликлар ва қарама-қаршиликларга қарамай, Англиянинг ижтимоий ва

⁸ Толстых О.А. Английский постмодернистский роман конца XX века и викторианская литература: интертекстуальный диалог: на материале романов А.С. Байетт и Д. Лоджа: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008. – С. 24; Davis, Ph. The Oxford English literary history. Volume 8. 1830-1880. The Victorians / Ph. Davis. – Oxford University Press, 2004. – 631 p.

⁹ <https://www.bl.uk/romantics-and-victorians/articles/penny-dreadfuls>

сийсий ҳаётини батафсил тасвирлаб, асарларда кўтарилган турли мавзуларни ижтимоий муаммолар доирасида очиб беришган¹⁰.

Виктория даври адабиётида, жумладан Шарлотта Бронте асарларида куйидаги хос хусусиятлар акс этган:

1) жамиятнинг бойлар ва камбағалларга табақаланиш даражасининг юқорилиги;

2) хотин-қизлар ва болалар меҳнатидан шафқатсизларча фойдаланиш ҳақиқати;

3) ишчилар ва хизматчилар ҳуқуқининг бузилиши, уларнинг қашшоқ ҳаёт кечириши;

4) болалар ўлимининг ниҳоятда юқорилиги;

5) хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинмаслиги;

6) кўпсонли хотин-қизларнинг камбағаллик туфайли фоҳишалик билан шуғулланишлари, расмий фоҳишахоналарнинг мавжудлиги.

Умуман олганда, XIX аср Англия адабиёти намояндалари ўзларининг қатор асарларида замондош инсонларнинг характер-хусусиятларини қаҳрамонларида типиклаштиришга эришдилар. Уларнинг асарлари орқали китобхон Англия жамиятидаги вазият, мамлакат аҳолисининг турмуш-тарзи, уларнинг ҳаёти, ўй-фикрлари, орзу-умидлари, ички дунёси билан танишади. Адибларнинг асарлари турли мавзуларни ёритганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқ.

Англия адабиётининг қатор асарларида аёллар бош қаҳрамон сифатида танланган. Шарлотта Бронте асарларида аёл образи ёзувчининг эстетик ва ахлоқий идеали, гуманизм ва инсонни севишнинг асосий қирраларини ўзида умумлаштирган. Викториа даврида ижод этган аёл адибалардан опа-сингил Бронтелар – Шарлотта Бронте (1816-1855), Анна Бронте (1820-1849), Эмили Бронте (1818-1848); Элизабет Гаскелл (1810-1865), Джорж Элиот (1819-1886) қаламига мансуб асарлар ҳозирги кунга қадар жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари сирасига киради. Адибалар ижодида роман жанри етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу ёзувчилар асарларида аёл образи бош қаҳрамон сифатида гавдалантирилиб, унинг тимсолида миллий ва умуминсоний ғоялар, аёлнинг ўзига хос характери, хусусиятлари, муаммолари ҳамда жамиятда тутган ўрни моҳирона очиб берилган. Ҳар бир адиба ижодида аёллар образи, хусусиятлари ўзига хос кўринишда акс этади.

Шарлотта Бронте – реалистик мактаб вакилларида бири ҳисобланиб, унинг асарлари ва ижоди миллий адабиёт тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатган. Бу таъсир нафақат XX аср адабий муҳити учун, балки ундан олдинги давр учун ҳам хос бўлган.

Виктория даврининг бошқа адабий даврлардан тубдан ажралиб турувчи ўзига хос хусусияти – феминизм ва феминистик адабиётнинг тадрижий тараққиёти билан белгиланади. Шартли равишда викториан феминист адабиёти ижодкорлари эркак ва аёл ёзувчиларга ажратилса, эркак феминист ёзувчилар аёл портретини яратишда унинг ташқи кўриниши ҳамда оиладаги

¹⁰ <http://www.virtualsalt.com/gothic.htm>

ўрнига аҳамият беришса, аёл феминист ёзувчилар учун аёл персонажларнинг ички дунёси ҳамда жамиятдаги ўрни асосий омил бўлди.

Элизабет Гаскелл томонидан ёзилган «Шарлотта Бронтенинг ҳаёти» номли асарда Бронтенинг ҳаёти, аёллик турмуш тарзи ва унинг нечоғлик иқтидори, ижодидаги хусусиятлар, новаторлиги эътироф этилган эди. Шунингдек, Шарлотта Бронтенинг замондоши, Виктория даври адабиёти вакиллари билан бири Э. Треллоп замондош ёзувчиларининг эгаллаган мавқеи ва адабиётга қўшган ҳиссасини баҳолаб, Шарлотта Бронтега Теккерей, Дж. Элиот ва Диккенсдан сўнгги тўртинчи ўринни берганлиги ҳам аслида бежиз эмас эди. А. Гефрининг фикрича, Виктория даври аёл адибалари ижоди қуйидаги хусусиятлари билан намоён бўлган:

асарларда инсон характеридаги ижобий ва салбий хусусиятларнинг шаклланишида асосий сабабчи мавжуд шароит эканлиги очиқ берилган;

эркаклар ва аёллар аудиториясини бирдек қамраб оладиган мавзулар ёритилган;

жонли халқ тилининг имкониятлари, бадиий тил воситаларидан унумли фойдаланиб, ҳикоя турлари тўғри танланган;

хуқуқий, ахлоқий ва эстетик қадриятлар бадиий образларга сингдирилган ҳолда тасвирланган¹¹.

Ёзувчи бадиий оламини шакллантирган, унинг иқтидорини юзага чиқарган омиллар турлича бўлиб, Англиянинг, хусусан, Британиянинг XIX аср ўрталаридаги ижтимоий, сиёсий, адабий жараёни Шарлотта Бронте ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар сифатида из қолдирди. Нафақат Шарлотта, балки унинг барча ижодкор опа-сингиллари ва укасининг истеъдоди юксалиши, бадиий оламининг шаклланишида қуйидаги омиллар мавжудлиги аниқланган:

1) оила муҳити;

2) ижтимоий муҳит;

3) иқтидор ва интилиш (шахсий омиллар).

Аёлнинг жамиятдаги ўрни ва унинг бошқа омиллар билан алоқадорлигини тадқиқ этувчи соҳалар, жумладан, социология, социоллингвистика, адабиётшунослик доирасида олиб борилган илмий ишлар шуни кўрсатадики, жаҳон адибалари асарларининг қиёсий ва чоғиштирма тадқиқи, шунингдек, таржималарининг таҳлилига доир изланишлар ўзбек адабиётшунослигида етарлича ўрганилмаган, айниқса, адабиёт билан таржимани ҳамоҳанг ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Зеро, таржима турли миллатлар иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилади. Адабиётшунос, таржимон Равияжон Абдуллаева таъкидлаганидек, жаҳон адабиётшунослигида адабий алоқаларни сиёсий, ижтимоий ва маданий муносабатларнинг ўзига хос таркибий қисми сифатида тадқиқ этиш узок йиллик тарихга эга бўлиб, адабий алоқаларнинг тараққиёт босқичларида

¹¹ Geoffrey A. View of Victorian Literature. – Oxford: Clarendon Press, 1978. – 260 p.

таржима, таъсир, типологик муштараклик (ўхшашлик) ва ўзаро мулоқот каби масалалар асосий омил ҳисобланади¹².

Ўзга тилда битилган бадиий асарнинг таржима матнини яратиш таржимоннинг бу соҳадаги амалий ва назарий билимлар билан пухта қуролланиш заруратини туғдиради. Қудрат Мусаев ҳар қандай баркамол таржима илмий умумлаштиришга эҳтиёж сезгани ҳолда, санъаткорнинг аслиятга алоқадор барча манбаларни тўла-тўқис илмий идрок этишини ҳамда уларга асосланган жами омилларни ўз тилида онгли равишда беками-кўст акс эттиришини назарда тутишини, бу ҳол таржимон зиммасига бадиий асарнинг асосий мазмун чизиғини тасвир этадиган лисоний хусусиятидан ташқари, асар соҳиби бўлмиш халқ ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-маданий ҳаёти, руҳий кечинмалари билан боғлиқ экстралингвистик жиҳатларни ҳам қайта яратиш масъулиятини юклашини эътироф этади¹³.

Виктория даври инглиз адабиётининг тенгсиз вакили, ўзига хос услубига эга ёзувчи Шарлотта Бронте ижодининг рус, француз ва ўзбек тилидаги таржималари ҳам айнан гендер тилшунослик, таржимашунослик ва феминистик адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этади. Шарлотта Бронте асарларига кенг жамоатчиликнинг қизиқишини биргина «Жейн Эйр» асарининг 57 тилга 593 мартадан ортиқ таржима қилиниши билан изоҳлаш мумкин. Таржима маданиятлар кўприги десак, муболаға бўлмайди. Чунки таржимон бир тилдан иккинчи тилга ўзга маданият унсурларини олиб кела олади. Классик асарлар ва ёки бестселлер асарлар ҳам асосан аслиятда эмас, таржимада муаллифга кўпроқ шуҳрат ва муваффақият келтиради. Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» асари гарчи 1847 йилда нашр этилган бўлса-да, турли маданият вакиллари томонидан қайта-қайта ўрганиляпти, таржима қилиняпти. 1980 йилдан бери Эроннинг ўзида ушбу роман 29 мартаба таржима қилинган.

Диссертациянинг «**Шарлотта Бронте романларида ижодкор поэтик маҳоратининг намоён бўлиш тамойиллари**» номли иккинчи бобида ёзувчи асарларидаги бадиий ўзига хослик, образлар талқини ва аёлларнинг ижтимоий мавқеи талқини хусусидаги маълумотлар ёритилган.

Шарлотта Бронте ижодида ёзувчи бадиий маҳоратини аниқлашда инсонпарварлик, эстетик туйғуни шакллантира олиш, бадиий деталларнинг аниқлиги, сюжет қурилиши ва образлар тизимини яратишдаги маҳорат, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши каби бадиийлик мезонлари тадқиқ этилди.

Шарлотта Бронте услуби бадиий тасвирларга бойлиги билан викториан адаббаларининг асарларидан фарқ қилади. Ёзувчининг гап қурилишида мураккаб гаплар кузатилиб, гап қисмлари икки нукта, нуктали вергуллар билан ажратилади. Мисол учун, Жейннинг Рочестер билан биринчи учрашуви қуйидагича тасвирланади: “The incident had occurred and was gone

¹² Абдуллаева Р. Немис-ўзбек адабий алоқаларининг шаклланиши, тараққиёт босқичлари ва илмий асослари (адабий алоқа, таржима ва таъсир масалалари): Филол.фан.д-ри (DSc) дисс.авторреф. – Тошкент, 2021. – Б. 9.

¹³ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2005. – Б. 3.

for me: it was an incident of no moment, no romance, no interest in a sense; yet it marked with change one single hour of a monotonous life”. Яъни “Ходиса содир бўлди ва бир зумда ўтиб кетди: на бир лаҳзалик, на бир ошиқ-маъшуклик ва на бир қизиқиш бор эди; аммо бу зерикарли ҳаётнинг бир соатини ўзгартириш билан белгиланди”. Мазкур жумланинг мазмунига қарайдиган бўлсак, услубий жиҳатдан такрор “на”нинг ишлатилиши орқали маъно кучайиб, гап охирида Жейн ва Рочестер ҳаётида ҳеч қандай маъно йўқлигини моҳирона очиб беради. Асарда ишлатилган баъзи расмий диалоглар ва қўшма гаплар Викториа даври адабиётига хос бўлса-да, айнан шу сифатлар Жейннинг саводхонлиги ва фалсафий фикрлашини очиб беришга хизмат қилади.

Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр»дан фарқли равишда эркак доминант биринчи романи «Ўқитувчи» тахририят томонидан бир неча марта рад этилади. Биринчи шахс ровийлигига асосланган мазкур роман, ҳикоя қилиш услуби орқали ҳам ёзувчининг субъектив қарашлари сингдирилганлигини кўрсатади. Асар бош қаҳрамони Уильям Гарси эркак бўлса-да, муаллиф ушбу персонаж орқали Викториа жамиятидаги аёллар тақдирини, уларнинг ижтимоий мавқеини очиб беради. Сюжет қурилиши содда бўлиб, воқеалар равон тилда баён этилади. Муаллифда аёл ва адиба тушунчаларининг уйғунлигини англаш учун унинг бадий меросини тўлиқ ўрганиш ўқувчига давр муҳитининг ижтимоий ва сиёсий тасвирини англашда ёрдам беради. «Ўқитувчи» романида биографик метод яққол кузатилиб, Уильям орқали Бронте ўзининг Брусселдаги тажрибасини гавдалантирган. Ўзи бу ҳақида шундай изоҳ беради: “The middle and latter portion of “The Professor” is as good as I can write...It contains more pith, more substance, more reality, in my judgment, than much of Jane Eyre”, яъни муаллиф таъкидлашича, «Ўқитувчи» романи муаллиф қобилиятини тўлалигича кўрсата оладиган асар бўлиб, «Жейн Эйр»га қараганда, маъно ва мазмун жиҳатидан салмоқли ҳамда тарихий ҳақиқат ва бадий ҳақиқат уйғунлигига асосланади. Ёзувчининг «Шаҳарча» (“Villette”) романида воқеалар баёнида муштараклик сезилади, адиба бош қаҳрамонни эркак образидан аёл образига алмаштирганлиги сабаб, Бронте ўз автобиографиясини бадий воситалар ёрдамида муфассал баён этади.

Жейн Эйрдан фарқли «Шерли» романида муаллиф номаълум ровий, яъни учинчи шахс тилидан воқеаларни баён этади. Асар маъно ва мазмун жиҳатидан «ижтимоий роман» ҳисобланиб, 1849 йилда Каррер Белл тахаллуси остида нашр этилган. Исмлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, «Шерли» исми дастлаб эркаклар исми бўлиб, ўғил фарзанд кутган ота ўз қиз фарзандига «Шерли» деб ном қўяди ҳамда асарнинг мамлакат маданиятига қўшган ҳиссаси ўлароқ бугунги кунда мазкур исм аёлларга нисбатан қўлланилади. Бундан ҳам муаллиф Британия тарихида меросхўр сифатида ўғил фарзандларнинг ўрни муҳим эканлигини кўрсата олган.

Тил сарҳадлари таҳлил қилинса, Шарлотта Бронте ўз асарларида бадий тасвир воситаларидан метафора ва ўхшатишдан моҳирона фойдаланган.

Мазкур воситалар қаҳрамон портретини яратишга ёки жараённи янада чуқурроқ англашга хизмат қилган.

Ёзувчи бадиий маҳорати ва образлар талқини қаҳрамонлар портретини очиб беришда ҳам яққол сезилади. Муаллиф учун персонажларнинг ташқи қиёфасидан кўра уларнинг ички дунёси муҳим бўлиб, инсоннинг кадр-қиймати унинг шахсияти билан ўлчанади, деган хулоса пайдо бўлади. Оддий, табиатан кўримсиз, кўзга ташланмайдиган Жейннинг кийимлари ҳам жуда одми, асосан қора рангда, фақатгина ёқасига оқ рангли мато ёки тўрлар тикилган бўлар эди. Бу билан Жейннинг ҳаёти ташқи таъсирларни инобатга олганда, рангсиз, маъносиз воқеаларга тўлалигига ишора қилинган. Аммо ушбу образ ташқи кўриниши билан эмас, аксинча ички дунёси билан гўзаллиги эътирофга лойиқ. Янада аҳамиятли томони, яратган қаҳрамони нутқида келтирилган эркинликни тарғиб қилувчи “being, thing, creature” сўзларини такрор қўллаш орқали аёл ҳам эркакдек худо яратган мавжудот деган ақидани илгари суради.

Муаллиф билимдонлиги ва салоҳиятининг юксаклигини романларида Британия табиатида учрайдиган юзлаб қуш турларининг номларини келтирилгани билан изоҳлаш мумкин. Айниқса, қаҳрамонларни қушларга қиёслаш принципи рамзий алоқадорликни юзага келтирган. «Жейн Эйр» романида жамиятда ҳамда оилада эркак ва аёл ўртасидаги тафовутни кўрсатиш учун Рочестерни бургутга ва Жейнни чумчуққа қиёслайди. Бу билан чумчуқ бургутнинг ўлжаси эканлигини ифодалаш асосида жамиятда аёлнинг ҳақ-ҳуқуқлари эркаклар томонидан бўғиб қўйилганлигини тағмаъно орқали тасвирлайди.

«Шаҳарча» романи Лусининг уйидан чиқиб ўз сафарини бошлаши, ҳар хил замон ва маконларда турли одамлар билан мулоқотга кириши орқали кўз ўнгимизда Европа ва европалар гавдаланади. Маълумки, опа-сингил Бронтелар ҳам бир муддат Англиядан ташқарида инглиз тили ва мусиқадан дарс беришади. Ёзувчининг Брюсселда кўрган-кечирганлари дастлаб муваффақиятсизликка учраган «Ўқитувчи» ва сўнгра шартли равишда «Ўқитувчи»нинг қайта ишланган варианты «Шаҳарча»да бадиий материал вазифасини бажарди. Мана шу хусусият ушбу романларнинг автобиографик хусусиятини намоён этади. «Шаҳарча» романида яна бир ўзига хос томонлардан бири – антитеза усулида бош қаҳрамон исмини танлашдир. Асар бош қаҳрамони ва ровийси Луси Снов –“Lucy Snowe” исмида сўз ўйини мавжуд бўлиб, “Lucy” иссиқликни англатса, “Snowe” совуқликни билдиради. Ёзувчининг мақсади ҳар бир инсон ҳаётида иссиқ-совуқ, шодлик-ғам, паст-баланд мавжудлиги, ҳеч ким бу дунёда тўлалигича бахтли ёки бахтсиз эмаслигини кўрсатишдир. Луси инглиз аёлларининг мустақилликка, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилишини ўз матонати билан кўрсата оладиган персонаждир.

«Жейн Эйр» романи мисолида ёзувчи жамиятдаги мавқега интилувчи ва тажрибали аёлни ўзида мужассам этган. Асар катта шухрат қозонди ва унинг муаллифи таниқли инглиз реалистик ёзувчилари қаторига қўшилди. «Жейн Эйр», шубҳасиз, Шарлотта Бронтенинг энг яхши адабий асаридир. Романда

кўтарилган мунозарали муаммолардан бири – аёлнинг жамиятдаги мавқеи. Роман қаҳрамони аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши кераклигини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, асар жамиятнинг ижтимоий, тарихий ва маданий келиб чиқиши ва феминизмнинг асосий жиҳатлари ҳамда Жейннинг тажрибаларини батафсил таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, ушбу тадқиқот натижаларига кўра, муаллиф ва қаҳрамон аста-секин феминизм, мустақиллик ва тенгликка эришишга урғу берганлиги аниқланди.

Муаллиф барча асарларида аёлларни кўриш мумкин бўлган ўзгармас макон – уй эканлигига алоҳида урғу беради. Бекаму кўст таъминланган бахтиёр аёллар уйда ўзлари учун севимли ва тинч гўша ярата олади. Аммо «Жейн Эйр»да Жейн, «Шерли»да Шерли, «Шаҳарча»да Луси – персонажларнинг барчаси яшаш учун курашиши, ўз йўлини топишга ҳаракат қилиши шарт эди. Уларнинг ҳомийлари йўқ, ўз кунини ўзлари кўришлари учун, аввало, таълимга интилишади ва эгаллаган маълумоти орқали иш топишади. Ўн тўққизинчи аср Европада аёллар учун энг мақбул касб сифатида Бронте гувернанткалик ва ўқитувчиликни таъкидлайди. Бронте асарларида аёллар дастлаб ўзларига ишончли бошпана излайдилар, улар учун муқим яшай оладиган макон керак. Ушбу тушунча замирида ўрта синф вакиллари гарчи молиявий харажатларини ўзлари қоплай олсалар-да, улар ҳам турмуш қуришни, оилали ҳаётда яшашни афзал кўришларини англаш мумкин. Демак, «уй» концепти ўз ичига кенг қамровли мустақил аёлдан эрига итоаткор аёлга ўтиш кўприги вазифасини ўтайди.

“I am independent, sir, as well as rich: I am my own mistress”¹⁴ – Жейннинг мустақиллиги унинг бойлиги билан кафолатланган саҳналар викториан аёлларининг хаёлий ушалмас орзуларини ифодалайди. Қандай аёл ўзига хўжайин бўлиши, ўзи хоҳлаган ишларни қилиши мумкинлиги давр учун ақлбовар қилмас ҳодиса эди. Жейн ноанъанавий, Виктория аёлларидан фарқли янги типни шакллантирди. У Рочестер томонидан ўз фикрига эга аёл сифатида қабул қилинди. Рочестер Жейнни ҳимоя қила оладиган даражада эмасди. Бу ўринда эркакнинг жамиятда ва ҳаётда ўрнини топишига аёл сабабчи. Асар бутунлигича аёл доминант воқеалар асосига қурилган. Муаллиф замондошлари эркак учун хотини маслакдош, дўст бўла олиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни хаёлига келтира олмайдиган бир даврда эксклюзив аёл персонажи билан инглиз реализмида янги тенденцияни бошлаб берди.

«Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» асари таржималари қиёсий тадқиқи ва талқини» номли учинчи бобда «Жейн Эйр» романининг рус тилидаги таржималари, асар бадиий оламининг француз тилида қайта яратилишига хос хусусиятлар муҳокама қилинган.

Аёл назокати ва эркини тараннум этувчи, ўзлигини англашга ундовчи асарларини Коррер Белл таҳаллуси билан тақдим этган инглиз ёзувчиси Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» асари рус тилига бир неча марта таржима қилинди. Шарлотта Бронтенинг қаламига мансуб асарлари алоҳида таҳсинга

¹⁴ Bronte Ch. Jane Eyre. London: Smith, Elder and Co., Cornhill, Third Edition, 1857. – P. 438.

лойиқ. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда ғоят юксак эътирофга сазовор бўлган адибанинг асарлари рус тилига таржима қилинган.

